



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta


O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№54 (1007)

2026 йил 31 июль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Жорий йил 2 август куни
"O'zbekiston bunyodkori" газетаси
чоп этила бошлаганига **10 йил** бўлади.

Ушбу сана муносабати билан йўлланган
кутувлар ва тайёрланган мақолалар
билан газетанинг 2-, 3- саҳифаларида
танишишингиз мумкин.

Замонавий шаҳарларнинг асосий мезони яратилган қулайликлар билан белгиланади

Университетга илм истаб
кетаётган талаба, салқин
хиёбонда сайр қилаётган
кексалар, хавфсиз ўйингоҳларда
бегубор кулгуси жаранглаётган
жажжи болалар...

Замонавий шаҳарнинг асл қиёфаси ана шундай оддий ва самимий манзараларда намоён бўлади. Бойси, бугун шаҳар деганда фақат кўп қаватли уйлар ёки кенг кўчалар эмас, аввало, инсон учун қўлай, хавфсиз ва фаровон яшаш муҳити тушунилади.

Жорий йилнинг 22 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида бўлиб, ҳудуддаги транспорт ва ижтимоий инфратузилма, рақамли технологиялар, саноат ҳамда шаҳарсозлик соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларини бунёд этиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Президентимизнинг 2022 йил 18 майда қабул қилинган "Business city" замонавий ишбилармонлик марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ҳудудларда замонавий шаҳарлар муҳитини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Нурафшон шаҳрининг 415 гектар майдонида барпо этилаётган "Nurafshon City" мажмуаси ана шундай йирик лойиҳалардан бири саналади. Мазкур ҳудудда бугунги кун талабларига мос турар жойлар, давлат идоралари ва ижтимоий инфратузилма объектлари ягона шаҳар муҳити концепцияси асосида барпо этилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси ва суди, ички ишлар бош бошқармаси, Киберхавфсизлик университети ҳамда Президент мактаби каби объектлар ўрин олган.

Шунингдек, Янги Ўзбекистон боғи, Зулфия Зокирова мемориал мажмуаси, ёнгин-қутқарув қисми ва вилоят солиққўни сақлаш бошқармаси ҳам айна ҳудуддан ўрин олган. Бундай ендашув аҳолининг кундалик ҳаётини қулайлаштириш, хавфсиз ва қўлай яшаш муҳитини яратишга хизмат қилади. Бугунги кунга қадар 52 та кўп қаватли турар жой биносидан 3 мингдан ортиқ хонадон фойдаланишга топширилди.



► Нурафшон шаҳридаги "Янги Нурафшон" турар жой мажмуаси.

– Яратилган барча шароит, қулайлик ва афзалликлар оиламизга жуда ёқди, – деди ҳудуднинг Янгибод маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Муяссар Искандарова ЎЗА мухбири Мархабо Ҳожиакбаровга. – Уйимиз рўпарасидаги болалар майдончалари набираларимиз учун ҳақиқий қувонч масканига ай-

ланди. Асосийси, аҳоли хавфсизлиги нуқтани назаридан кириш йўлаклари ва ҳудудга кузагув камералари ўрнатилгани кўнгилмизни тўқ қилади. Бугун ёшларимиз ва набираларимизнинг мана шундай шинам, файзли хонадонларда бахтли яшаётганидан чин дилдан қувонамиз.

Мазкур маҳалла 2019 йилда ташкил этилган бўлиб, пухта режалаштирилган шаҳарсозлик ҳамда қўлай турмуш тарзининг муваффақиятли намунаси саналади. Замонавий инфратузилмага эга 65 гектар майдонни эгаллаган ушбу маҳаллада қарийб 6 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда.



► Матбуот анжуманидан лавҳа.

Бошқарув самарадорлиги агентлигининг ярим йиллик фаолияти сарҳисоб қилинди

Раҳбар кадрларни баҳолаш
марказида Ўзбекистон
Республикаси Президенти
ҳузуридаги Бошқарув
самарадорлиги агентлигининг
Матбуот анжумани ташкил
этилди. Унда Агентликнинг
масъул ходимлари ва,
ОАВ вакиллари иштирок этди.

Райҳона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бугунги кунда 40 дан ортиқ туман ва шаҳарда мавжуд имкониятлар қайта баҳоланди. Хусусан, Самарқанд вилоятининг 16 та туман ва шаҳари, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах ва бошқа ҳудудларда иқтисодий салоҳият, бошқарув жараёнлари ҳамда хизматлар сифати чуқур таҳлил қилинди. Илк бор сунъий интеллект ёрдамида Big Data ва SWOT таҳлиллари асосида ҳар бир туманнинг иқтисодий драйверлари аниқланиб, инвестиция лойиҳалари харитаси шакллантирилди. Бу

ишлар натижасида 3 та Вазирлар Маҳкамаси қарори тайёрланди ҳамда 80 дан ортиқ тақлиф ижрога йўналтирилди.

Айниқса, маҳаллабай ишлаш тизими доирасида Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги Қаҳрамон ҳамда Норин туманидаги Янги Наманган маҳаллаларида янги хизмат марказлари ташкил этилди. Энди ушбу марказларда аҳоли 980 турдаги хизматларни турли давлат органларига қатнамасдан, маҳалладан чиқмаган ҳолда амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

– Инсон капитали ҳар қандай ислохотнинг асоси ҳисобланади, – деди матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги департамент бошлиғи Ғолибжон Абдузайитов. – Шунинг учун давлат хизматчиларини баҳолаш ва ривожлантириш ишларини янги босқичга олиб чиқяпмиз. Иккинчи чорак якунлари бўйича 113 та республика ташкилотининг 435 нафар раҳбари ва раҳбар ўринбосари, шунингдек, 14 та ҳудуд ва 208 та туман (шаҳар)нинг 1 329 нафар ҳоким ўринбосари самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Бугунги кунда Агентлик томонидан мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, юқори салоҳиятли ва сифатли кадрлар захираси шакллантирилди. Ушбу захирага 415 нафар хорижий олий таълим муассасалари битирувчилари ҳамда Президент мактаблари битирувчилари, 250 нафар истиқболли

раҳбар аёллар, Зулфия мукофотининг ТОП-50 совриндорлари, шунингдек, турли соҳалар бўйича сараланган кадрлар захирасига киритилган. Мазкур захира давлат бошқаруви тизимини малакали, рақобатбардош ва замонавий билимларга эга раҳбар кадрлар билан изчил таъминлашга хизмат қилмоқда. Яна бир муҳим рақам. 421 нафар ТОП-500 университет битирувчиларидан 74 нафари юқори лавозимларга тавсия қилиниб, лавозими оширилди. Бу меритократиянинг амалий кўринишидир.

Таҳлиллар шунини кўрсатдики, яқин йилларда мамлакатимизда 50 дан ортиқ янги замонавий мутахассислик бўйича касб йўналишларига эҳтиёж пайдо бўлади. Жумладан, сунъий интеллект, киберхавфсизлик, маълумотлар таҳлили (data analytics), рақамли трансформация, "яшил" энергетика, урбанистика, геоахборот тизимлари (ГИС), агротехнологиялар ва сув ресурсларини рақамли бошқариш каби йўналишларда юқори малакали кадрларга талаб кескин ортиши кутилмоқда.

Ҳозирда мазкур таҳлиллар асосида келгуси йиллар учун кадрлар тайёрлаш, кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда таълим дастурларини ушбу эҳтиёжларга мослаштириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, ўтган даврда 5 минг 316 нафар давлат хизматчиси турли ўқув дастурларида иштирок этди. Янги Ўзбекистон университети, Сингапур Бизнес бошқарув мактаби экспертлари иштирокида тажриба алмашиш семинарлари ўтказилди. Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясига қабул жараёнида 1 минг 860 нафар номзод иштирок этиб, 1 минг 334 нафари кейинги босқичга саралаб берилди. Халқаро ҳамкорликда 7 та семинар ташкил қилиниб, уларда 600 нафардан ортиқ давлат хизматчиси қатнашди. Шунингдек, 50 нафар "Ёш талантлар" ФАО тизимида халқаро стажировкага юбориш чоралари кўрилмоқда.

Бу борада Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, KOICA, JICA каби халқаро ташкилотлар билан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Японияда 30 нафаргача давлат хизматчилари, Буюк Британияда эса 20 нафаргача раҳбар кадрларни малакасини ошириш бўйича чоралар амалга оширилди.

Рақамлаштириш – ушбу соҳада долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, "Digital Office" платформасида янги "Ҳоким-Вазир" мулоқот майдони ишга туширилди. "hgm.gov.uz" va "samaradorlik.gov.uz" рақамли тизимлар муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари сифатида давлат реестрига киритилди. "Elektron hukumat" орқали 49 та янги сервис Агентликнинг ахборот тизимларига интеграция қилинди. "MyDX" мобил иловасидан бугунги кунда 30 минг нафар давлат хизматчиси фаол фойдаланмоқда.

Ўтган давр мобайнида хорижий мақсадга йўналтирилган натижалли стажировкалар дастури ҳам йўлга қўйилди. Эндиликда стажировкага юборилган давлат хизматчиси ўрганган билими ва тажрибасидан келиб чиқиб лойиҳа тайёрлаши мажбурият сифатида белгиланди. Галдаги стажировка дастурларига 300 нафар иштирокчи билан суҳбатлар ўтказилиб, улардан 107 нафари саралаб олинди. Улар Сингапур, Германия, Буюк Британия, Япония, Корея, Финляндия, Малайзия, Туркия, Хитой, Озарбайжон ва бошқа давлатларда малака оширадilar. KOICA дастурига 169 нафардан 15 нафар, JICA дастурига 200 нафардан 18 та магистратура ва 1 та докторантура, "Эл-юрт умиди" жағмармаси орқали эса 232 та магистратура ва 38 та докторантура дастурлари бўйича номзодлар саралаб олинди.

Хитойда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тақдимоти бўлиб ўтди

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда илмий-экспертлик мулоқотини кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Шу муносабат билан Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтида "Хитой-Ўзбекистон: стратегик уйғунлик ва юксак тараққиёт" мавзусида Ўзбекистон-Хитой ақл марказлари форуми бўлиб ўтди.

Форумда Хитойнинг етакчи ақл марказлари раҳбарлари, академик доиралар вакиллари, экспертлар ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси маслаҳатчи-вакили Саидкамол Агзамходжаев очиб берди ҳамда Ўзбекистоннинг Хитойдаги Фавкулумда ва Мухтор элчиси Фарход Арзиевнинг форум иштирокчиларига йўллаган мурожаатини ўқиб эшиттирди. Форумнинг асосий мавзуси – мамлакатлар ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар юзасидан тажриба алмашиш ҳамда янги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишга бағишланди.

Тадбир давомида "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг мазмун-моҳиятига бағишланган махсус тўпламнинг хитой тилидаги наشري тақдим этилди. Мазкур нашр форум иштирокчилари, хитойлик экспертлар ҳамда илмий доиралар вакилларига тарқатилди. Унда стратегиянинг устувор йўналишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, эришилган натижалар ва истиқболдаги устувор вазифалар батафсил ёритилган.

Тадбирда сўз олган "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков мамлакатимизда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, уларнинг дастлабки натижалари



ҳамда истиқболдаги вазифалар ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, иқтисодийни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ташқи сиёсатни фаоллаштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди.

Хитой Замонавий халқаро муносабатлар академияси илмий кенгаши бош котиби ўринбосари Дин Яосин Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш, солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда "яшил" иқтисодийни ривожлантириш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади. У технопарклар ташкил этиш, автомобилсозлик, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан энергия ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишларда қўшма лойиҳаларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, у маданий-гуманитар алоқалар стратегик шерикликнинг муҳим таркибий қисми эканини қайд этиб, Ўзбекистонда Хитойнинг Ғарбий-Шарқий қишлоқ ҳужалиги марказини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаётганини маълум қилди.

Мазкур форум ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясига бағишланган махсус тўпламнинг хитой тилидаги наشري тақдимоти мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини Хитойнинг илмий-эксперт доиралари ва кенг жамоатчилигига етказиш, шунингдек, Стратегияда белгиланган очик ва прагматик ташқи сиёсат, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, инновацион иқтисодийни ривожлантириш ҳамда барқарор тараққиёт мақсадларини халқаро миқёсда тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўз мухбиримиз.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today





10 йиллик солнома

Ўн йил – тарих учун бир лаҳза, инсон умри учун эса салмоқли давр. Матбуот учун эса бу йиллар минглаб мақолалар, юзлаб мавзулар, турфа воқеа ва жараёнларни ёритиш, жамоатчиликка ахборот етказиш, соҳадаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва, энг муҳими, меҳнат ва тажриба йилларидир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун қурилиш ва бунёдкорлик соҳасининг ягона ихтисослашган нашри – “O'zbekiston bunyodkori” газетаси ўзининг 10 йиллик юбилейни нишонламоқда. Ортимизда қолган ўн йиллик фаолиятга рақамлар тили билан назар ташлар эканмиз, газетанинг босиб ўтган йули, эришган натижалари ва жамоа меҳнатининг қўлами янада яққол намоён бўлади.

Ўтган 10 йил давомида газетамиз саҳифаларида 14 мингдан ортиқ мақола муштарийларга етказилди. Бу рақамнинг ўзгек ўн йил давомида қанча мавзу ўрганилгани, қанча маълумот тўплангани, қанча суҳбат ва учрашувлар ўтказилгани, материаллар тайёрланиб, қайта-қайта таҳрирдан ўтказилганини аниглади.

Энг муҳими, ушбу мақолалар турли журналистик жанрларни қамраб олиши билан ажралиб туради. Жумладан, таҳлилий-танқидий ва бадий-публицистик материаллардан тортиб, статистик таҳлиллار, хабарлар ва бошқа жанрлардаги чиқишларга қадар газетанинг ҳар бир саҳифасида ўз ифодасини топган. Уларнинг ҳар бири муайян даврнинг воқеа ва жараёнларини акс эттириб, қурилиш ва бунёдкорлик

соҳасидаги ўзгаришларнинг матбуотдаги ўзига хос солномасини шакллантирди, десак муболага бўлмайди.

Шу боис, бугун келтирилаётган рақамларга шунчаки статистик кўрсаткичлар сифатида қараб бўлмайди. Зеро уларнинг ҳар бири ортида газетанинг ўн йиллик фаолияти, тахририят жамоасининг изланишлари, касбий ёндашуви ва соҳани холис ҳамда тизимли ёритиш йулидаги машаққатли меҳнати мужассам. Айнан шу рақамлар нашрининг ўтган ўн йилликда босиб ўтган йўлининг рақамлардаги ифодаси, меҳнатининг эса кўзга кўринадиган натижасидир.

“O'zbekiston bunyodkori” газетасининг ўн йиллик фаолиятидаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири – 14 мингдан ортиқ мақола нашр этилгандир. Бу ўртача ҳисобда ҳар бир йилга 1 400 дан ортиқ мақола тўғри келишини аниглади. Яъни ўн йил давомида ҳар йили ўртача 1 400 дан зиёд ахборот, таҳлил, фикр ва журналистик материал муштарийлар эътиборига ҳавола этилган. Аммо бу рақамларнинг аҳамияти фақат унинг миқдори билан белгиланмайди.

Зеро ҳар бир мақола муайян мавзу, изланиш, маълумот ва ижодий ёндашув маҳсулидир. 14 мингдан ортиқ мақола эса ўн йил давомида мамлакатимизда, хусусан, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида кечган минглаб воқеа ва жараёнлар газетанинг саҳифаларида мунтазам акс эттириб бориладиган далолат беради.

Газетада чоп этилган материалларда мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қурилиш соҳасидаги ислохотлар, шаҳарсозлик ва архитектура, инфратузилма, уй-жой қурилиши, соҳа мутахассисларининг фаолияти, шунингдек, тармоқдаги долзарб масалалар турли журналистик жанр ва ёндашувлар асосида ёритилди. Шу тариқа, ҳар бир материал ўз даврининг муайян воқеаси ёки жараёнини акс эттириб, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасининг ўн йиллик ахборот солномасини шакллантиришга хизмат қилди.

Бу жараёнда матн билан бир қаторда унинг визуал тақдироти ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўн йил давомида мақолалар мазмунини бойитиш, ахборотни ўқувчига янада тушунарли ва таъсирчан етказиш мақсадида 20 мингга яқин фотосурат, инфографика ва бошқа визуал элементлардан фойдаланилди. Шу нуқтаи назардан, 14 мингдан ортиқ мақола ва 20 мингга яқин визуал элементни оддий статистик рақамлар сифатида қабул қилиш қийин. Чунки бу кўрсаткичлар ортида журналистнинг изланиши, муҳаррирнинг таҳрири, мустахкамнинг диққати, сураткашнинг нигоҳи, дизайнернинг ижодий ёндашуви ва бошқа мутахассисларнинг касбий меҳнати мужассам. Демак, ҳар бир рақам – нафақат нашр этилган материаллар сони, балки ўн йил давомида шаклланган жамоавий тажриба, ҳамкорлик ва масъулиятнинг ҳам ўзига хос ўлчовидир.



“O'zbekiston bunyodkori” қурилиш соҳаси вакиллари ЭНГ ЯҚИН ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

2016 йилнинг 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйини ташкил қилиш ва “Ўзбекистон бунёдкори” газетасини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 197-сонли қарори қабул қилиниб, 2 август куни – мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида газетанинг илк сони чоп этилди.

Бу йил юртимиз қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида ягона нашр фаолиятига роппа-роса **10 йил** тўлди.

Ўтган йиллар давомида газета саҳифаларида нафақат йирик қурилиш лойиҳалари, балки оддий бунёдкорларнинг фидокорона меҳнати, муҳандислар, меъморлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти ҳам кенг ёритилди. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари газета фаолиятининг асосий мавзуларидан бирига айланди.

Бўларнинг бари юзлаб журналистлар, муҳаррирлар, дизайнерлар, мухбирлар ва соҳа мутахассисларининг меҳнати натижасидир. Қолаверса, ҳар бир саҳифа ортида изланиш, масъулият ва бунёдкорлик ғояларига садоқат мужассам. Бугун “O'zbekiston bunyodkori” газетаси ўзининг 10 йиллигини қарши олар экан, нафақат ортида қолган йўлга назар ташламоқда, балки янги марралар сари дадил қадам ташламоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, газетамизнинг илк сони мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида чоп этилган бўлса, 10 йиллик юбилейи эса энг улуғ ва энг азиз байрамнинг 35 йиллигига тўғри келмоқда. Демак ватанимиз мустақиллиги ва газета фаолияти бир-бирини тўлдирган ҳолда, бир орзу ва бир мақсад йўлида шараф билан ўз миссиясини бажариб келмоқда.

Ушбу сана муносабати билан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотларида фаолият юритаётган ташкилотлар раҳбарлари, юртимиз бунёдкорлигига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган маҳали мутахассислар тахририят жамоасини табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятига муваффақият тилашди.

Тоир АЛИМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг ўринбосари:



– Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги раҳбарияти ва шахсан ўз номидан “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг бутун ижодий жамоасини нашр ташкил топганининг 10 йиллик юбилейи билан табриклайман.

Ўтган ўн йил давомида газета юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини, шаҳарсозлик соҳасидаги янгиланишлар ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимидаги ислохотларни халқимизга тезкор ва холис етказишда муҳим ахборот минбарига айланди.

Жамоангизнинг юксак профессионализми, воқеаларга ижодий ва масъулиятли ёндашуви тўғрисида “O'zbekiston bunyodkori” бугунги кунда нафақат соҳа ходимлари, балки кенг газетехонлар оммасининг ҳам севимли ва ишончли нашрига айланди. Тезкор таҳлилий мақолалар, соҳадаги муаммо ва ечимларнинг дадил олиб чиқиши газетанинг нуфузини янада оширмоқда.

Сизларни ушбу кутлуг 10 йиллик айём билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, машаққатли ва шарафли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман. Ижодий парвозингиз бардавом ҳамда қаламингиз ҳамиша ўткир бўлсин!

Козим ТУЛЯГАНОВ,
Архитектура ва қурилиш
соҳасида Фахрийлар кенгаши
раиси – Жамоатчилик кенгаши
раиси:



– Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги негизидagi “O'zbekiston bunyodkori” тахририяти ташкил топганининг кутлуг 10 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши номидан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўтган 10 йил давомида тахририят жамоаси шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасидаги янгиланишлар, долзарб мавзуларни ёритишда катта матонат ва ҳамжиҳатлик билан улкан марраларга эришиб келмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги дунёни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимизда кенг қўламли янгиланишлар рўй бераётган шароитда уларнинг меҳнати алоҳида эътибор ва қўмакка муносибдир. Тахририят вакиллари шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида воқеаларни тезкор ёритар экан, жамоатчилик фикрининг шаклланишига қўмаклашади ҳамда аксарият ҳолларда давлат органлари ва халқ ўртасидаги мулоқот учун кўприк бўлиб хизмат қиладилар.

Сўз эркинлигини таъминлаш – давлатимизнинг ахборот соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу тамойилнинг мустаҳкамлиги нафақат қабул қилинган қонунларга, балки касбий одоб-ахлоққа доир халқаро нормаларга риоя этилишига, журналистнинг ўзига нисбатан талабчанлигига ҳамда мамлакат ва жамоият олдидagi масъулиятига боғлиқ, “O'zbekiston bunyodkori” юртимиз қурилиш соҳаси вакилларининг энг яқин ва ишончли ҳамкорига айланган, десак муболага бўлмайди.

Ортида қолган ўн йиллик – бу фақат тарих эмас, балки янги марралар сари ташланган мустаҳкам пойдевордир.

Келажакда ҳам жамоа янада юксак парвозларга эришиб, режалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишига ишонамиз. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизга улкан зафарлар ва шижоат тилаймиз!

Ҳакимжон ДОЛИМОВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг
ўринбосари:



– Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қурилиш ва ободонлаштириш соҳасидаги улкан ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг янгиланиши, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги эзгу ишлар тарих саҳифаларида муносиб ўрин эгаллаб бормоқда. Ана шу янгиланишлар жараёнини ҳаққоний, тезкор ва холис ёритиб келаётган нашрлар орасида “O'zbekiston bunyodkori” газетаси алоҳида ўрин тутмади.

Шу боис, газета ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан тахририят жамоасини, барча ижодкорларини чин қалбимдан муборакбод этаман. Ўтган ўн йил давомида “O'zbekiston bunyodkori” нафақат қурилиш соҳасидаги янгиланишларни ёритиб келди, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг ҳақиқий таъминлагисига айланди.

Фарғона вилоятида ҳам қурилиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш, яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, экологик барқарорлиқни таъминлаш ва замонавий шаҳарсозлик тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу эзгу ишлар ҳақидаги холис ва таҳлилий материаллар орқали газета жамоатчилигини хабардор қилиб, соҳадаги очиклик ва шаффофликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу сабабли, “O'zbekiston bunyodkori” газетаси тахририяти билан шаклланган самарали ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Тахририят жамоасига мустаҳкам соғлиқ, ижодий илҳом, касбий муваффақиятлар тилайман.

Эркин ИСКАНДАРОВ,
“Shaharsozlik hujjatlarini
ekspertiza qilish Respublika
markazi” ДМ директори
ўринбосари:



– Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар ва улкан ўзгаришлар, энг аввало, юртимизнинг янгиланиётган жамолида, қад ростилаётган муҳташам иштихотлар ва замонавий манзилларда ўз аксини топмоқда. Бугунги Янги Ўзбекистон – бу улкан қурилиш майдони. Ана шу тарихий жараёнларни, фидойи меъмор, лойиҳачи ва қурувчиларнинг машаққатли меҳнатини, соҳадаги туб бурилишларни кенг жамоатчиликка етказишда “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг муносиб ўрни ва алоҳида дастхати бор. Шу боис, бугун нашрининг 10 йиллик юбилейи муносабати билан газета тахририяти ва унинг ижодий жамоасини чин қалбимдан муборакбод этаман!

Ўтган йиллар мобайнида газета шунчаки воқеалар йилномасини етказиб қолмай, соҳанинг чинакам кўзгусига, муаммо ва ечимлар муҳокама қилинадиган очик минбарга айланди. Мамлакатимизда шаҳарсозлик ва қурилиш соҳаси янги босқичга кўтарилган, хавфсизлик ва сифат бош мезонга айланган бир даврда, газета аҳоли ва соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий, техник ва соҳавий билимларини оширишда муҳим кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ жамоаси ушбу нашрни ўзимизнинг энг яқин ва ишончли ҳамкориамиз деб биламиз. 10 йиллик ҳамкорлигимиз давомида газета саҳифаларида шаҳарсозлик ҳужжатларининг сифати ва хавфсизлиги, лойиҳалар экспертизасининг аҳамияти ҳамда соҳадаги янги норматив талаблар ҳақида кўплаб материаллар ёритилди. Бу ҳамкорлик қурилишда сифат ва самарадорлик маданиятини шакллантиришга бекиёс ҳисса қўшмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, газетанинг барча ижодий ва техник жамоасига сидқидилдан қилган меҳнатлари, ҳолислиги ва касбий маҳорати учун миннатдорлик билдираман. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, туганмас ижодий илҳом, ўткир қалам ва янгидан-янги марралар ёр бўлишини тилайман.

Илҳом ТўРАЕВ,
“Иссиқликтаъминоти” АЖ
Бошқарув раиси:



– Қадрли “O'zbekiston bunyodkori” газетаси тахририяти ижодкорлари! Сизларни газета ташкил этилганининг 10 йиллик кутлуг санаси билан муборакбод этаман.

Ўн йил давомида газета мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа-ҳодисаларни холис, тезкор ва профессионализм билан ёритиб келмоқда. Шу билан бирга, миллий кадриятларимиз, меҳнаткаш инсонлар фаолияти ҳамда юртимиз тараққиётига хизмат қилаётган эзгу ташаббусларни кенг жамоатчиликка етказишда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Газетанинг ҳар бир сони юрт тараққиёти, бунёдкорлик ва яратувчанлик ғояларини тарғиб этиш, жамиятда очиклик, холислик ва фидойиллик тамойилларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Ушбу кутлуг сана муносабати билан тахририятнинг барча ходимларига мустаҳкам соғлиқ, чексиз ижодий илҳом, касбий утуқлар ва янги зафарлар тилаймиз. Газетангиз бундан буюн ҳам халқимиз ишончини қозониб, юртимиз тараққиётини ёритувчи ишончли ва нуфузли ахборот манбаи бўлиб қолаверсин.

Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, “ToshuyjoyLIT” АЖ директори:



– **Матбуот – жамият тараққиётининг кўз-гуси, давлат ва халқ ўртасидаги мустақкам мулоқот кўприги ҳисобланади. Ана шундай нашрлар сафида “O'zbekiston bunyodkori” газетаси ўтган ўн йил давомида ўзининг муносиб ўрни ва нуфузини шакллантирди.**

Газета фаолияти давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг ишончли солномасига айланди. Унинг саҳифаларида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, шаҳар ва қишлоқларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган кенг қамровли дастурлар, замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, транспорт инфратузилмаси ҳамда қурилиш соҳасидаги муҳим ўзгаришлар мунтазам ва кенг ёритилмоқда.

Шу ўринда, “ToshuyjoyLIT” АЖ ҳамда “O'zbekiston bunyodkori” газетаси ўртасида йиллар давомида шаклланган самарали ҳамкорликни алоҳида мамнунийят билан эътироф этмоқчиман. Мазкур ҳамкорлик доирасида мамлакатимизда қурилиш соҳасининг долзарб йўналишлари ҳақидаги материаллар кенг жамоатчиликка мунтазам етказилмоқда.

Ишончим комилки, “O'zbekiston bunyodkori” газетаси келгусида ҳам Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик солномасини яратиш, қурилиш соҳасидаги ислохотларни кенг ёритиш, илм-фан ва инновацияларни тарғиб қилиш, соҳа мутахассислари ҳамда кенг қитобхонлар учун долзарб таҳлилий материаллар тайёрлаш орқали ўзининг эзгу ва шарафли миссиясини муносиб давом эттиради.

Фурсатдан фойдаланиб, газета тахририяти, фидойи журналистлар, муҳаррирлар, муҳбирлар, техник ходимлар ҳамда ушбу нуфузли нашр фаолиятига муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларни газетанинг 10 йиллик қутлуг юбилеи билан табриклаб, келгуси фаолиятига улкан муваффақият тилайман.

Чидем ТУРКҲИЛМАЗ, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат техника университети ректори:



– **Ҳурматли тахририят жамоаси, азиз журналистлар! Сизларни газетангиз ташкил этилганининг 10 йиллиги билан Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат техника университети жамоаси номидан самимий муборакбод этаман!**

Бугунги кунда Ўзбекистон улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Замонавий шаҳарлар, янги турар жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, йўл-транспорт ҳамда муҳандислик инфратузилмаси объектиларининг барпо этилиши халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ана шундай улкан янгилинишларни ҳолис ва таъсирчан ёритишда “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг муносиб ўрни бор. Айниқса, газета саҳифаларида илгор тажрибалар, инновацион технологиялар, экологик барқарорлик, миллий мейморилик анъаналари ҳамда қурилиш соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъсирчан сазовор.

Ишончим комилки, “O'zbekiston bunyodkori” газетаси бундан кейин ҳам мамлакат тараққиёти ва бунёдкор халқ салоҳиятини кенг тарғиб этувчи нуфузли нашрлардан бири бўлиб қолади.

Ушбу қутлуг сана муносабати билан тахририятнинг барча ходимларига мустақкам соғлиқ, оилавий фаровонлик, ижодий куч-ғайрат ва янги муваффақиятлар тилайман. Газетанинг обрў-эътибори янада юксалиб, муштарийлари сафи тобора кенгайверсин!

Исламбек ДАВЛЕТОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, Турон Фанлар академияси академиги:



– **Қадрли “O'zbekiston bunyodkori” газетаси тахририяти жамоаси! Авваламбор, сизларни, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик гоёлари, ислохотлар ва янгилинишлар солномасини ҳолис ва профессионаллик билан ёритиб келаётган газетанинг ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан табриқлайман.**

Таъкидлаш жоизки, 10 йил давомида газета мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, шаҳарсозлик, уй-жой қурилиши сиёсати, коммунал хўжалиги тизими, муҳандислик инфратузилмаси ҳамда соҳадаги долзарб ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишда ишончли ахборот манбаи сифатида муносиб ўрин эгаллади.

Мен учун ҳам ушбу нашр билан ижодий ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, 2018-2026 йиллар давомида газета саҳифаларида уй-жой қурилиши ва коммунал хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, соҳада таълим сифатини ошириш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган 20 дан ортиқ илмий-оммабон мақолаларим чоп этилди. Бу менинг илмий ва ижодий фаолиятимда муҳим ўрин тутадиган ютуқлардан бири бўлиб, мазкур имкониятни яратиб берган тахририят жамоасига самимий ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, газетанинг бош муҳаррири, тахририят ижодкорлари, муҳбирлари, муҳаррирлари ва барча ходимларига мустақкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, чексиз ижодий илҳом, касбий муваффақият ва масъулиятли фаолиятларида янада улкан зафарлар тилайман.

Бобур МАМАТОВ, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи:



– **Жамоангизни 10 йиллик фаолияти билан Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда шахсан ўзим номидан табриқлайман.**

Ўн йил давомида газетангиз мамлакатимиз қурилиш, архитектура, шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ёритишда, соҳа мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилиكنи долзарб ва ишончли ахборот билан таъминлашда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Нашр 2016 йилдан буён фаолият юритиб, қурилиш соҳасига ихтисослашган муҳим ахборот манбаларидан бирига айланиб улгурди.

Газета жамоасининг фидокорона меҳнати, касбий маҳорати ва юртимиз бунёдкорлик салоҳиятини кенг тарғиб этишдаги хизматлари юксак эътирофга лойиқ. Ишончим комилки, сизлар бундан буён ҳам халқимизни бунёдкорлик гоёлари атрофида бирилаштириш, соҳадаги янгилик ва ютуқларни ҳолис ва тезкор ёритиш йўлидаги эзгу фаолиятингизни муваффақият билан давом эттирасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, тахририятнинг барча ходимларига мустақкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, ижодий илҳом ва масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жамолиддин ТОШИНОВ, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи:



– **Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси раҳбарияти ҳамда кўп сонли жамоаси номидан “O'zbekiston bunyodkori” газетаси ташкил топганининг 10 йиллиги билан табриқлайман.**

Шу йиллар давомида газета саҳифаларида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ободонлаштириш лойиҳалари ҳамда қурилиш соҳасидаги долзарб масалалар кенг ёритилиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси жамоаси “O'zbekiston bunyodkori” газетаси билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорликни доимо қадрлайди. Газета саҳифаларида инспекция фаолияти, қурилишларда сифат назорати, шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги янгиликлар ва амалга оширилаётган назорат тадбирларининг мунтазам ёритиб борилиши аҳолининг ҳуқуқий онги ва қурилиш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, газетанинг барча фахрий устозлари, фидойи журналистлари, муҳаррирлари, муҳбирлари, дизайнерлари, техник ходимлари ҳамда ушбу нашр равнақига муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдираимиз.

Шерзод ОТАЕВ, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи:



– **Қадрли тахририят жамоаси, сизларни газетангиз ташкил этилганининг 10 йиллиги билан ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари номидан қўтлайман.**

Ўн йил – бутарих учун қисқа, аммо ижод учун салмоқли давр. Ана шу йиллар давомида газета нафақат бунёдкорлик соҳасидаги ислохотларнинг ишончли солномасисига, балки жамият ва халқ ўртасидаги мустақкам ахборот кўпригига айланди. Ҳар бир саҳифангизда юртимиз тараққиёти, улкан қурилишлар, замонавий инфратузилма, меҳнаткаш бунёдкорларнинг фидойилиги ва мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган ишонч ўз аксини топиб келмоқда.

Бугунги Янги Ўзбекистон бунёдкорлик даврини бошдан кечирмоқда. Бу улкан ўзгаришларни халқимизга тезкор, ҳолис ва таъсирчан тарзда етказишда “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг ўрни алоҳида эътирофга лойиқ.

Қурилиш назорат инспекцияси фаолияти, қурилиш сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, қонунчиликка риоя этилиши, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда бунёдкорлик маданиятини кенг тарғиб этишда Сизларнинг ҳолис ва профессионал ёндашувингиз биз учун доимо қадрли ҳамкорлик намунаси бўлиб келмоқда. Матбуотнинг ҳаққоний сўзи, жамоатчилик назорати ва очиқлик тамойиллари соҳа ривожига хизмат қилаётган муҳим омиллардан бирidir.

Ишонамизки, “O'zbekiston bunyodkori” газетаси бундан буён ҳам миллий журналистика анъаналарига содиқ қолган ҳолда, бунёдкорлик гоёларини кенг тарғиб этиш, соҳадаги илгор тажрибаларни оммалаштириш ва халқимизни эзгу мақсадлар сари бирилаштиришдек шарафли вазифани муносиб давом эттиради.

Сиз, азиз ижодкорларга, мустақкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайми. Газетангизнинг умри узок, нуфузи янада юксак, саҳифалари эса эзгу бунёдкорлик гоёлари билан доимо бой бўлсин!



1 500 саҳифадан ортиқ махсус контент – матбуотнинг яна бир қирраси

“O'zbekiston bunyodkori” газетасининг ўн йиллик фаолиятини фақат мақолалар ва журналистик материаллар сони билан баҳолаб бўлмайди. Чунки нашрнинг ўқувчи билан мулоқоти, соҳадаги ташкилот ва корхоналар билан ахборот алмашинуви ҳамда жамоатчиликка зарур маълумотларни етказиш жараёнида реклама, эълон, табрик, махсус сон ва тижорий мақолалар ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўн йиллик фаолият давомида газетанинг саҳифаларида 1 500 саҳифадан ортиқ реклама, эълон, табрик ва тижорий материаллар жойлаштирилди. Бу рақамнинг ўзиёқ нашрнинг ахборот майдонидаги қамрови қанчалик кенг бўлганини кўрсатади. Мазкур кўрсаткич таркибига назар ташласак, ҳар бир йўналишнинг газетанинг умумий фаолиятидаги ўрни янада яққол намоён бўлади. Жумладан, ўн йил давомида 500 саҳифага яқин махсус сон, 3 500 тага яқин эълон, 1 300 тадан ортиқ табрик, 600 тадан ортиқ реклама ва 100 тага яқин тижорий мақола муштарийларга тақдим этилди. Бу рақамларнинг ҳар бири газетанинг муайян вазифа ва йўналишини ифодалайди.

Хусусан, 500 саҳифага яқин махсус сон муҳим мавзулар, соҳадаги долзарб жараёнлар, 500 га яқин қурилиш-пудрат ҳамда лойиҳа ташкилотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан таъинишув, алоҳида саналар ва йирик воқеаларни кенгрок ёритиш имконини берган махсус лойиҳалар салмоғини кўрсатади. Бундай сонлар орқали муайян мавзуга одатдагидан чуқурроқ ёндашилиб, унинг турли жиҳатларини муштарийларга яхлит тарзда тақдим этишга эътибор қаратилди. 3 500 тага яқин эълон эса газетанинг амалий ахборот майдони сифатидаги ўрнини кўрсатади. Эълонлар орқали соҳадаги ташкилот ва корхоналар, мутахассислар ҳамда кенг жамоатчилик учун зарур бўлган турли маълумотлар муштарийларга етказилди. Ўз навбатида, 1 300 тадан ортиқ табрик газетанинг инсонлар ва жамоалар ҳаёти билан боғлиқ муҳим воқеаларни ҳам ёритиб борганини кўрсатади. Уларда касбий ютуқлар, қувончли воқеалар, муҳим саналар ва жамоалар ҳаётидаги аҳамиятли лаҳзалар ўз ифодасини топди.

Газетанинг соҳавий ахборот майдонидаги ўрнини белгилайдиган яна бир муҳим кўрсаткич – 600 тадан ортиқ реклама ва 100 тага яқин тижорий мақоланинг чоп этилганидир. Ушбу материаллар орқали қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, уларнинг маҳсулот ва хизматлари ҳақида ахборотлар кенг аудиторияга тақдим этилди. Бу эса газетанинг соҳа вакиллари билан ахборот-коммуникация алоқаларини ривожлантиришдаги ўрнини янада мустақкамлади.

Шу тариқа, 1 500 саҳифадан ортиқ махсус контентни газетанинг ўн йиллик фаолияти-

даги алоҳида бир йўналиш сифатида баҳолаш мумкин. Чунки бу материаллар нашрнинг мазмун доирасини кенгайтириш билан бирга, унинг соҳадаги ташкилотлар, корхоналар, мутахассислар ва кенг муштарийлар билан мулоқотини ҳам мустақкамлади. Демак, газетанинг ўн йиллик саҳифаларидаги ҳар бир рақам – муайян вазифанинг, ҳар бир материал эса муайян эҳтиёжнинг ифодаси. Уларнинг жами эса газетанинг қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги ахборот майдони сифатида шаклланган ўзига хос қиёфасини намоён этади.

Рақамлар ортидаги ўн йиллик меҳнат

Ҳар қандай нашрнинг тарихи, аввало, уни яратётган жамоанинг меҳнати, изланиши ва касбий маҳорати билан ўлчанади. “O'zbekiston bunyodkori”нинг ўн йиллик фаолияти давомида тўпланган рақамлар ҳам шунчаки статистик кўрсаткичлар эмас, балки тахририят жамоасининг йиллар давомидаги изчил меҳнати, масъулияти ва ижодий изланишларининг амалий ифодасидир.

Аслида, рақамларнинг ҳақиқий қиймати ҳам уларнинг ортида турган меҳнат билан ўлчанади. Ўн йил давомида минглаб мавзуларни излаш, юзлаб суҳбат ва учрашувларни ташкил этиш, маълумотларни ўрганиш ва текшириш, ҳар бир матнни таҳрирлаш, ҳар бир саҳифани шакллантириш – буларнинг барчаси бир кунлик ёки бир йиллик эмас, балки ўн йиллик узлуksиз меҳнат самарасидир. Ҳар бир мақола, ҳар бир сурат, ҳар бир инфографика ва ҳар бир саҳифа газетанинг умумий йилномасидан ўз ўрнига эга.

Шу боис, “O'zbekiston bunyodkori”нинг 10 йиллиги ҳақида сўз борганда, бу рақамларга оддий статистика сифатида қараш қиёфаси эмас. Улар газетанинг босиб ўтган йўлини, шаклланиш тажрибасини ва жамоанинг касбий ўсишини ифодаловчи ўзига хос йилномадир. Бу йилнома саҳифама-саҳифа, мақолама-мақола, изланиш ва меҳнат билан яратилди.

Бугун ўн йиллик фаолият натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, энг катта натижа битта рақам ёки алоҳида кўрсаткичда эмаслигини англайми. Асосий натижа – шу рақамларни яратган жамоавий меҳнат, йиллар давомида тўпланган тажриба, шаклланиш касбий мактаб ва муштарий ишончидир. Зеро рақамлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Улар ортида вақт, масъулият, изланиш ва инсон меҳнати туради.

Шу маънода, газетамизнинг ўн йиллик тарихи – рақамларга айланган меҳнат, меҳнат орқали шаклланган тажриба ва ана шу тажриба замирида қарор топган журналистик мактаб тарихидир. Ўн йиллик йўл ортда қолди. Бугун бу йўлнинг самараси рақамларда намоён бўлмоқда. Энг муҳими, ушбу рақамлар фақат ортда қолган ўн йиллик фаолият сарҳисоби эмас. Улар газетанинг кейинги йилларидаги фаолияти учун яратилган тажриба, салоҳият ва мустақкам пойдеворнинг ҳам ифодасидир.

Замонавий шаҳарларнинг асосий мезони яратилган қулайликлар билан белгиланади

➔ 1 Автомобиллардан холи ички ҳовлилар, кенг пиедалар йўлаклари, яшил худудлар ва болалар майдончалари бутунги шаҳарсозлик талаблари асосида лойиҳалаштирилган. Бу эса болаларнинг хавфсиз ўйнаши, кексаларнинг бемалол сайр қилиши ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун қулай муҳит яратади.

Маҳаллада ёш авлоднинг сифатли таълим олиши ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун барча зарур шароит яратилган. Худудда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, 3 та футбол ва 8 та воркаут майдонлари мавжуд. Бу эса маҳалла аҳолисининг турмуш сифати ва ёшларнинг мазмунли вақт ўтказиши учун хизмат қилмоқда.



▲ Янги турар жой мажмуасидаги спорт майдончаси.

Рақамлар ортида инсонлар тақдири ва уларнинг турмуш сифати тургандагина улар ҳақиқий маъно кашф этади. Айни пайтда “Nurafshon City”да бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Лойиҳа режасига кўра, 2028 йил якунига қадар 250 та кўп қаватли уй-жой барпо этилиб, 125 минг нафар аҳоли хонадонлар билан таъминланади.

Худудда барпо этиладиган 21 гектарлик янги истирохат боғи шаҳар шовқинидан холи, аҳоли тоза ҳаводан баҳраманд бўладиган ва оилалар бирга вақт ўтказадиган масканга айланади. Буларнинг барчаси “Nurafshon City”ни шунчаки турар жой мажмуаси эмас, балки яшаш, ишлаш ва дам олиш уйғунлашган замонавий шаҳар маконига айлантирмоқда.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 31 июль, 1 - 3 август саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Бухгалтерия бўлими бош бухгалтери **Эркин Эрматов**, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бўлими бошлиғи **Жасур Файзиев**, Call-markaz оператори **Нодира Исоқжоновна**, Лицензиялаш ва аккредитациялаш бўлими бош мутахассиси **Умид Дехқонбоев**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Аxbopот-коммуникация технологиялари бўлими бош мутахассиси **Санжар Абдурахмонов**, Мониторинг ва назорат бўлими бош мутахассиси **Денис Семёнов**, Ингма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси **Пётр Вдовин**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассиси **Ирина Матицина**, “Гарбий” филиали бош муҳандиси **Наталья Бобокулова**, “Навоий” филиали бош мутахассиси **Ойбек Мардиев**, “Ўзоғирсанотлоийиҳа” АЖ ООПР қоровули **Шоилёс Шабдуллаев**, ТСП сектор раҳбари **Агафья Лян**,

“O‘zshaharsozlik LITP” ДМ Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси архитектори **Мария Спивак**, 6-устахонаси архитектори **Моҳинур Ғаникулова**, архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси архитектори **Жамшид Хайруллаев**, 3-устахонаси 1-тоифали муҳандиси **Азизбек Уктамов**, “Наманган” филиали етакчи архитектори **Ғуломқодир Умаров**, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва худудларни ривожлантиришни режалоштириш шўъбаси бош мутахассиси **Орзубек Келдибеков**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Молия-иқтисод ҳамда молиявий оқимларни таҳлил қилиш ва бошқарш департаменти бош мутахассиси **Гулчехра Адилова**, Самарқанд вилояти филиали хайдовчиси **Фаррух Саломов**, Қашқадарё вилояти филиали директори **Қаҳрамон Жўраев**, Ишлаб чиқариш бўйича мутахассиси **Азиза Умирова**, Тошкент вилояти филиали Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш

бўлими кадрлар бўйича муҳандиси **Лобар Торова**, Авария хизмати ва таъмирлаш механика бўлими қозонхонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангари **Мурат Мирасулов**, Бекобод шаҳар филиали 1-сонли қозонхона қоровули **Шухратжон Ўринбоев**, Нуробод филиали Исциклик тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича чилангари **Илҳом Раҳимов**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Аxbopот-таҳлил қилиш ва мониторинг юришти бўлими етакчи мутахассиси **Тўйгун Эргашев**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Сакен Қоньратбаев**, шўъба бошлиғи **Пердебай Жаласгабаев**, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси хайдовчиси **Умид Астанқулов**, мутахассислар **Бобур Шодмонов**, **Жавоҳир Қиличев**, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида

ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Вазира Бектаминшова**,

Қашқадарё вилояти Дехқонбод туманидаги “Ишонч сервис” БСК МЧЖ бош директори **Дилмурод Тошпўлатов**, Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги “Ширин-Коммунал Таъмирлаш-Сервис” БСК МЧЖ бош директори **Умиджон Жўзаев**, Гулистон шаҳридаги “Замон бизнес Камрон” БСК МЧЖ бош директори **Аваз Тошматов**, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги “Smart Lyulks Build” БСК МЧЖ бош директори **Шухрат Қосимов**, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Вал бандаж сервис” БСК МЧЖ бош директори **Матлуба Шодибекова**, “Берёза коммунал сервис” БСК МЧЖ бош директори **Айтпалла Азимова**, “Элрус бошқарув” БСК МЧЖ бош директори **Рустам Бадаловларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОНАЛВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Фарғона вилояти, Риштон туманлардо иқтисодий судининг 2025 йил 27 март кундаги 4-1505-2502/823-сонли ишнинг ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган “ХМКК-99” МЧЖнинг суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 21 июлдаги 94-сонли хатига асосан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 47-МФЙ Туркистон мавзеси, 3-уй манзилида жойлашган “ХМКК-99” МЧЖга тегишли 5 қаватли турар жойнинг умумий майдони – 69,93 квадрат метр, **фойдалли майдони** – 35,89 квадрат метр, **кадастр рақами:** 15:16:04:02:01:0683:00:01:010 бўлган 10-хонадони. **Бошланғич баҳоси** – 397 994 280,45 сўм.

2. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 47-МФЙ Туркистон мавзеси, 3-уй манзилида жойлашган “ХМКК-99” МЧЖга тегишли **умумий майдони** – 229,36 квадрат метр, **фойдалли майдони** – 141,28 квадрат метр, **кадастр рақами:** 15:06:04:02:02:01:0683:00:01:026 бўлган 5 қаватли турар жой биносининг мансарда қисмида жойлашган қурилиши тугалланмаган 26-хонадон. **Бошланғич баҳоси** – 435 114 846,59 сўм.

3. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 47-МФЙ Туркистон мавзеси, 3-уй манзилида жойлашган “ХМКК-99” МЧЖга тегишли **умумий майдони** – 225,02 квадрат метр, **фойдалли майдони** – 124,29 квадрат метр, **кадастр рақами:** 15:06:04:02:02:01:0683:00:01:027 бўлган 5 қаватли турар жой биносининг мансарда қисмида жойлашган қурилиши тугалланмаган 27-хонадон. **Бошланғич баҳоси** – 435 114 846,59 сўм.

4. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, 47-МФЙ Туркистон мавзеси, 3-уй манзилида жойлашган “ХМКК-99” МЧЖга тегишли **умумий майдони** – 508,82 квадрат метр, **фойдалли майдони** – 410,98 квадрат метр, **кадастр рақами:** 15:16:04:10:01:5014 бўлган 5 қаватли турар жой биносининг ертўла қисмида жойлашган қурилиши тугалланмаган омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 490 728 142,35 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 31 август куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 28 август куни соат 18:00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 31 август куни сотилмаган тақдирда, тақририй электрон-онлайн савдоси 2026 йил 1 мартоба 15 кун оралиғида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Тақририй савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати бир иш куни олдин соат 18:00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (интирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини “ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб тўлашлар лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри, Г. Фармонова кўчаси, 13-уй.

Телефон: 91-117-87-53, +99890 407-07-62.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томони-дан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 28 июлдаги 489-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган лойиҳалаштирилиб қурилиши режалоштирилётган ва мавжуд савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	18-3-4-сонли, умумий майдони 10,0 м² бўлган савдо шохобчаси	60 000 000
2.	19-6-сонли, умумий майдони 45,0 м² бўлган савдо шохобчаси	180 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охириги муддати:** 2026 йил 28 август куни соат 16:00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 31 август куни соат 11:00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар 2026 йил 15, 29 сентябрь, 15, 30 октябрь, 13, 27 ноябрь, 11, 25 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги хужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закатлат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

“Яккабоғ пахта тозалаш”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ихтиёрий равишда тугатилаётгани тўғрисида эълон!

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, А. Темур кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган (СТИР 200 710 701, индекс: 181400)

“Яккабоғ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (“Яккабоғ пахта тозалаш” АЖ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Асос: “Яккабоғ пахта тозалаш” АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2025 йил 6 августдаги жамиятнинг ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарори.

Тугатилаётган “Яккабоғ пахта тозалаш” АЖнинг кредиторлари талаблари тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки

ой давомида Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, А. Темур кўчаси, 39-уйда жойлашган маъмурий бино манзилида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 97-589-02-50, 91-459-75-67.

“Яккабоғ пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси.

Беназир инсон эди

Мамлакатимиз қурилиш соҳасининг фидойи фаолларидан бири, юрт равнақи, унинг гуллаб-яшнаши ва обод бўлишига муносиб ҳисса қўшган инсон, меҳнат фахрийси Амонжон Толибов узоқ давом этган касалликдан сўнг, 83 ёшида вафот этди.



Амонжон Толибович 1943 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Ҳарбий хизмат сафидаги хизматдан сўнг, қурилиш участкасида иш бошлади. Яхши инсонлар назарига тушдики, бу унинг ҳаёти ва фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, ёрқин йўл очди. Қатор қурилиш ташкилотлари раҳбарлик қилди ва элга манзур билан барпо этишга астойдил интилди.


Самарқанддаги “Дельфин” сув спорти саройи, эшакка эшиш заводи, “Шодиёна” савдо мажмуаси, кино ва конферт зали ҳамда бошқа йирик маданий-маърифий иморатларни қад ростлашида ташаббускор бўлди.

Унинг бу хизматлари, Ватанимиз куч қудратини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти муносиб тақдирланди. У қатор орден, медаллар соҳиби эди. Тажрибали раҳбар республикамизга малакали кадрлар, устоздалар етказиб беришга ҳам муносиб улуш қўшган устозлардан бири эди. Бугун бу шогирдлар, ажойиб, меҳнаткаш фарзандлар унинг шарафли иштини давом эттириб, янада юксак натижаларни қўлга кири-тиб, ўзларини бунёдкорлик ишларига дахлдор, деб билимоқда.

Самарқандликлар, у кишини таниганлар Амонжон Толибовни яқин дўст, сафдош, меҳрибон ота, ғамхўр ва меҳр-мурувватли инсон сифатида ҳурмат қиларди.

Ажойиб кинокор, фидойи, дилкаш инсон, яхши сафдош ва оила бошлиғи Амонжон Толибовнинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Бир гуруҳ шогирдлари ва фарзандлари.



Тахрир хайъати: Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Тахририят: Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Ақмал Махкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги.
“ЎЗТАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеоранметЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар: 71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва аxbopот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 741. 1318 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятта келган қўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топпирилли – 23.00.

Газетанинг навбатдаги сони 8 август куни чиқади.